



20 20 у « 30 » сентябрь

№ Қ-499

« » 20 г

**Ангор тумани “Наврўз” маҳалласи
худудидан ООО “UNITEL” корхонасига
“Антенa мачталарни монтаж қилиш ва
техник ускуналар ўрнатиш” учун ер
майdonи ажратиш тўғрисида**

Ўзбекистон Республикаси “Ер кодекси”нинг 5-моддасига, Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Рақамли иқтисодиёт ва Электрон ҳукумат тизими инфратузилмаларини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида” 2019 йил 22 майдаги ПҚ-4321-сон қарорининг 4-бандига асосан, вилоят ҳокимлиги ҳузуридаги ер участкалари бериш (реализация қилиш) масалаларини кўриб чиқувчи комиссиянинг 2020 йил 09 сентябрдаги 05-02/597-сон йиғилиш баёни ва Ангор туман ҳокимининг 2020 йил 14 августдаги 280/01-19-сон хатини кўриб чиқиб,

Қ А Р О Р Қ И Л А М А Н :

1. Вилоят ҳокимлиги ҳузуридаги ер участкалари бериш (реализация қилиш) масалаларини кўриб чиқувчи комиссиянинг 2020 йил 09 сентябрдаги 05-02/597-сон йиғилиш баёни тасдиқлансин.

2. Ангор тумани “Наврўз” маҳалласи худудидан ООО “UNITEL” корхонасига туман ҳокимлиги захира ер фондидан 0,005 гектар қишлоқ хўжалигида фойдаланилмайдиган ер майdonи “Антенa мачталарни монтаж қилиш ва техник ускуналар ўрнатиш” учун доимий фойдаланиш ҳуқуқи билан ажратилсин.

3. Вилоят ер ресурслари ва давлат кадастри бошқармаси (А.Ғаниев) ва Ангор тумани ҳокимлиги (Ш.Абдуллаев) ер майdonи ажратилиши муносабати билан туман ер ҳисоботига тегишли ўзгартириш киритишни таъминласин.

4. Мазкур қарор бир кун муддатда вилоят ҳокимлигининг расмий веб-сайтида (surxondaryo.uz) эълон қилинсин.

5. Ушбу қарорнинг бажарилишини назорат қилиш вилоят ҳокимининг ўринбосари А.Сувонкулов зиммасига юклансин.

Вилоят ҳокими



Т.Боболов